

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY X U L O S A

1. Loyihaning turi. Shartnoma
2. Loyihaning mazmuni.

QY57635351

Yangiyer shaxar Obodonlashtirish boshqarmasi va "Boyovut qurilish savdo" MChJ o'rtasidagi ko'chaga asfalt yotqizish haqida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Xo'jalik shartnomasi loyihasi shaxar Yangiyer shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va Yangiyer shaxar yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 21.06.2022 yilda kiritilgan.

**XULOSA:** Loyiha "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6313-sonli farmoni va boshqa amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish mumkin.

**DIQQAT ESLATMA:** Ushbu xulosa berilgan Shartnoma rahbarning elektron imzosi bilan "E-huquqshunos" elektron tizimdan chiqarib olinib, G'aznachilik bo'linmasiga taqdim etilishi va shu shartnoma bilan undagi vazifalar amalga oshirilishi kerak.

Markaz bosh yuriskonsulti



R.Yulchurayev  
23.06.2022 yul.

24 " июн 2022 йил.

Янгиер шахри.

Кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритиладиган "Янгиер шахар Ободонлаштириш бошкармаси Низоми асосида иш кўрувчи директор А.Мустафакулов бир томондан, матнда кейинги ўринларда **"Пудратчи"** деб юритиладиган ООО **"Боёвут қурилиш савдо"** Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари И.Махмудов иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

## I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **"Пудратчи"** ушбу шартнома шартларига мувофиқ Сирдарё вилояти Янгиер шахар З.М.Бобур МФЙ Бобур кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **"Буюртмачи"** эса **"Пудратчи"**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 07 апрел кунги танловда (ЛОТ рақами №221100103773) ғолиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **383 633 703** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан **"Буюртмачи"** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида **"Буюртмачи"** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма **"Пудратчи"**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **"Буюртмачи"** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, **"Пудратчи"** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. **"Пудратчи"** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар **"Буюртмачи"** гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда **"Пудратчи"** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **"Буюртмачи"** томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **"Буюртмачи"** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**"Пудратчи"**нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинги ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида белгиланган июн-июл ойларда ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **"Буюртмачи"**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. **"Пудратчи"** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **"Буюртмачи"** олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради. **"Пудратчи"** **"Буюртмачи"** олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. **"Буюртмачи"** **"Пудратчи"** билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **"Пудратчи"** геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **"Пудратчи"** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **"Буюртмачи"**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **"Пудратчи"** **"Буюртмачи"**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **"Пудратчи"** қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **"Пудратчи"** дафтар (журнал)да **"Буюртмачи"** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлиқ жавобгар бўлади.

**“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:**

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишни талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисоди қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий киймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Буюртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

**“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

**“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.12. **“Пудратчи”**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. **“Пудратчи”**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. **“Пудратчи”** томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар **“Пудратчи”** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **“Буюртмачи”** га топширмаган тақдирда, **“Буюртмачи”** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **“Пудратчи”** объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун **“Буюртмачи”**га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **“Пудратчи”** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, **“Буюртмачи”** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **“Буюртмачи”** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

#### V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа ёнгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қондаларга, шужумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги давлат ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

7.2. Ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдinлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганида, шужумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унии жросини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

## VIII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

8.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

8.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

8.3. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

Янгиер шаҳар Ободонлаштириш  
бошкармаси  
Янгиер ш. Яшил ҳудуд.  
Тел/факс: 67-350-23-11  
Ш.Ғ. 100022860244137045201110003  
2340200800100001010

СТИР: 206946032  
201122919

Директор

А.Мустафакулов

### “ПУДРАТЧИ”

ООО « Боёвут қурилиш савдо »  
Сирдарё вилоят Боёвут тумани Жуланган  
МФЙ Навруз кучаси 9 уй  
х/р: 20208000104583120001  
МФО: 00366  
ИНН: 300154758

АТБ Сирдарё вилоят Микрокредит банк  
Раҳбар: И.Махмудов



"24" 06

2022 йилдаги №

QY57635351

Шартномага 1- илова

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

Пудратчи ташкилот: "Боёвут қурилиш савдо"МЧЖ

№	Иш тури	Жами	Шундан		Жами суммаси
			Май	Июн	
1	Асфальтлаш ишлари	383 633 703,00	115 090 110,90	268 543 592,10	383 633 703,00
	<b>Жами</b>	<b>383 633 703,00</b>	<b>115 090 110,90</b>	<b>268 543 592,10</b>	<b>383 633 703,00</b>



"4" 06 2022 йилдаги № 0457635351  
Шартномага 2-илова

Объект: Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар З.М.Бобур МФЙ Бобур кучасини жорий таъмирлаш ишларини

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	Шундан		2022 йил
			Май	Июн	
1	30 % хажмидаги бунак	115 090 110,90	115 090 110,90		115 090 110,90
	70% хажмда жорий молиялаштириш	268 543 592,10		268 543 592,10	268 543 592,10
3	Жами:	383 633 703,00	115 090 110,90	268 543 592,10	383 633 703,00



*Handwritten signature*



"Будратчи"

*Handwritten signature*

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 103773 на приобретение Янгиер сахар  
З.М.Бобур МФЙ Бобур кучасини асфалтлаш**

Способ проведения электронный

Дата 20.06.2022

Время рассмотрения 20.06.2022 14:18

Конкурсная комиссия Янгиер сахар Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MUSTAFAQULOV ALISHER	Председател	Член комиссии
<b>Секретарь комиссии</b>	MURTAZAQULOVICH DJURAYEV SHAVKAT XUDOYBERDIYEVICH	Секретар	Секретар комиссии
<b>Член комиссии</b>	HO'JABEKOV MAXMUD ESHMURZAYEVICH	Член комиссии	Член комиссии
<b>Член комиссии</b>	Нуралиев Одил	Секретар	Янгиер Ободонлаштириш бошкармаси11
<b>Член комиссии</b>	RADJABOV KODIRKUL BOBOYEVICH	Председатель комиссии	Председатель комиссии
<b>Член комиссии</b>	KULDOSHEV NARZULLO XABIBULLAYEVICH	Мухандис	ЯнгиерОбодонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.06.2022 года № лота 103773.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Асфальт
Подробное описание	Янгиер сахар З.М.Бобур МФЙ Бобур кучасини асфалтлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	385 561 511.00
Стартовая сумма	385 561 511.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Смета хужжатдларидаги талабларни тулик бажариш

Тип: Текстовое значение

Описание: ишларни белгиланган муддатда ва белгиланган талабларда бажариш тўғрисида кафолат

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GLOBAL-	25	25	24	Экспертная		

Значение: Олдин бажарган ишлари тўғрисида хужжат ва асосий воситалар руйхатини тақдим этилад. Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GLOBAL-MEGA-INVEST	25	25	21	Экспертная		
ООО Боевут курилиш савдо	25	25	25	Экспертная		

Критерий №4 Қарздорлик мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарувчининг солиқ ва бошка йуналишлардан қарздор эмаслиги Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GLOBAL-MEGA-INVEST	25	25	23	Экспертная		
ООО Боевут курилиш савдо	25	25	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

ООО Боевут курилиш савдо	385 561 511.00	383 633 703.00	20.06.2022 10:46:09	28.64
ООО GLOBAL-MEGA-INVEST	385 561 511.00	366 283 435.00	17.06.2022 10:00:50	30.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО Боевут курилиш савдо	70	28.64322	98.64322
ООО GLOBAL-MEGA-INVEST	63	30	93

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 103773 от 20.06.2022 года на приобретение Янгиер шаҳар З.М.Бобур МФЙ Бобур кучасини асфалтлаш определила победителем:

ООО Боевут курилиш савдо  
300154758

и резервный исполнитель: ООО GLOBAL-MEGA-INVEST (305597829)

Проголосовали

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MEGA-INVEST</b>						
<b>ООО Боевут курилиш савдо</b>	25	25	25	Экспертная		

Критерий №2 Иш тажрибаси ва мавжуд иш жараёнида талаб этиладиган техникалари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг 3 йил фаолият юритганлиги ва раҳбар ва ходимларнинг узгармаганлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО GLOBAL-MEGA-INVEST</b>	25	25	22	Экспертная		
<b>ООО Боевут курилиш савдо</b>	25	25	25	Экспертная		

Критерий №3 Олдин бажарган ишлари тўғрисида ва ишлаб чиқаришга керакли бўладиган асосий воситалар тугрисида хужжат

Тип: Текстовое значение

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	RADJABOV KODIRKUL BOBOYEVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MUSTAFAQULOV ALISHER MURTAZAQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	KULDOSHEV NARZULLO XABIBULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



А.Мустафаку  
июн 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 22 апрелдаги УРҚ 684 сонли "Давлат харидлари тугрисидаги" қонунларга Янгиер шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 10 июн кунини ҳисобидан тугри ва сам сарф қилиш учун Янгиер шаҳар З.М.Бобур МФЙ Бобур кучасида жорий таъмирлаш (асфальтлаш) ишларини ошириш учун ETENDER.UZEX.UZ портали орқали 2022 йил 10 июн куни танлов эълон қилинган бўлиб, эъл "Глобал мега инвест" МЧЖ ва "Боёвут қурилиш савдо" МЧЖ иштирок этишди ва уларнинг таклифига асосан шаҳар З.М.Бобур МФЙ Бобур кучасида жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун танловга қўйилган тала бюджет мабла-лариндан самарали ва унумли фойдаланиш юзасидан танлов ўтказилди ва қуйидагилар аниқл

№	Бажариладиган ишлар номи	Белгиланган параметрлар	"Глобал мега инвест" МЧЖ		"Боёвут қурилиш савдо" МЧЖ	
			Белгиланган бал	Катнашчилар томонидан берилган бал	Белгиланган бал	Катнашчилар томонидан берилган бал
1	Янгиер шаҳар Бобур МФЙ Бобур кучасини жорий таъмирлаш	Олдин бажарган ишлари тугрисида ҳужжатлар ва асосий воситалар руйхаги	25	21	25	25
		Карздорликлар мавжудлиги	25	23	25	25
		Смета ҳужжатларидаги талабларни тулик бажариш	25	24	25	25
		Иш тажрибаси ва мавжуд иш жараёнида талаб этиладиган техникалари	25	22	25	25
Жами йиғилган баллар			100	90	100	100
Ўртача белгиланган бал			63		70	
Жами молиявий бал			30		28,64	
Яқуний баллар			93		98,64	

Юқоридаги жадвалдан келиб чиқиб

### ҚАРОР ҚИЛАДИ

бу маблағларнинг самарали ишлатилиши учун Янгиер шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси танлов қоидалари аъзолари томонидан ETENDER.UZEX.UZ танловига қўйилган талабларнинг бажарилиши, томонларнинг белгиланган муддатларда эътироз билдирилмаганлигини ҳисобга олиб "Боёвут қурилиш савдо" МЧЖ нинг таклифи мақбул келганлиги, белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини инобатга олиб "Боёвут қурилиш савдо" МЧЖ танловга қўлиби деб топилиши ва шартнома тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилди

- 1 Комиссия аъзолари Қ.Раджабов
- 2 Н.Кулдошев
- 3 О.Нуралиев
- 4 М.Хужабеков

Комиссия қотиби Ш.Джураев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BOYOVUT QURILISH SAVDO" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BOYOVUT QURILISH SAVDO" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

08.01.2016

1221P

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil);

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

300154758

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Sirdaryo viloyati, Boyovut tumani, Mingchinor, Jo'langar MFY Navro'z  
ko'chasi 9-uy,

Guvohnoma:

Sirdaryo viloyati, Boyovut tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

